

**ВАЗОРАТИ МАОРИФ ВА ИЛМИ ҶУМҲУРИИ ТОҶИКИСТОН**

**ДОНИШКАДАИ ОМЎЗГОРИИ ТОҶИКИСТОН  
ДАР ШАҲРИ ПАНЧАКЕНТ**

**МАХЗАНИ ИЛМ/ПАЁМИ ДОНИШКАДА, 2021, № 2.**

**МАВОДИ**

**он-лайн ва офф-лайн анҷумани илмӣ-амалии байналмилалии апрелӣ дар мавзӯи “Масоили мубрами улуми иҷтимоӣ-гуманитарӣ, риёзӣ ва дақиқ дар замони муосир”, 26 апрели соли 2021 дар Донишкадаи омӯзгории Тоҷикистон дар шаҳри Панҷакент**

**СОКРОВИШНИЦА НАУКИ/ВЕСТНИК ИНСТИТУТА, 2021, № 2.**

**МАТЕРИАЛЫ**

**научно-практической международной апрельской он-лайн и офф-лайн конференции, на тему «Актуальные проблемы общественно-гуманитарных, точных и естественных наук в современную эпоху», 26 апреля 2021 года в Таджикском педагогическом институте в городе Пенджикент**

**TREASURY OF SCIENCE/BULLETIN OF THE INSTITUTE, 2021, No. 2.**

**MATERIALS**

**of the scientific and practical international April online and off-line conference, on the topic "Actual problems of social and humanitarian, exact and natural sciences in the modern era", April 26, 2021 at the Tajik Pedagogical Institute in the city of Penjikent.**

**Панҷакент - 2021**

---

1. Бабанский Ю.К. Методы обучения в современной общеобразовательной школе – М.: Просвещение, 2003г.
2. Давыдов В.В. Проблемы развивающего обучения. – М.: Педагогика, 1986. – 230с.

\*\*\*

**Собиров У.Б.,**  
БухДУ- катта ўқитувчиси

## **САДРИДДИН АЙНИЙ ВА УНИНГ ЖАДИЧЧИЛИК ҲАРАКАТИДА “БУХОРО ИНҚИЛОБИ ТАРИХИ УЧУН МАТЕРИАЛЛАР” АСАРИНИНГ ЎРНИ**

*Таянч иборалар:* Туркистон, Бухоро амирлиги, жадиличлик ҳаракати, ислохотчилик, Бухоро инқилоби, янги усул (усули жаҳид) мактаблари.

**Резюме:** ушбу мақолада XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро жадиличлик ҳаракатининг ривожланишида жонбозлик кўрсатган Садриддин Айний ва унинг тарихий мероси, “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар” рисоласи таҳлили, XX асрнинг бошларида ярим мустамлака мамлакати ҳолатида бўлган Бухоро амирлигида мураккаб ижтимоий-сиёсий шароитда жадиличлик ҳаракати вужудга келиши, XX аср бошларидаги маърифий аҳволтўғрисида ҳамда Бухоро жадиждарининг юрт тараққиётидаги тутган ўрни ва роли тарихий манба ва адабиётлар асосида атрофлича ёритиб берилган.

**Кириш.** Мамлакатимиз тарихидаги туб бурилиш ўтмишни ёритишда янгича қараш ва талқинни талаб этмоқда. Бугунги мустақил ривожланиш тарихчилар олдидаги долзарб вазифаларни қўймоқда. Ўзбекистон Республикаси Президент Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда: “Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларда намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудралидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир.”[1,29]

**Асосий қисм.** Бухоро жадиличлик ҳаракати тарихини ёритишда XIX аср охири – XX аср бошларидаги воқеаларнинг жонли гувоҳи С.Айнийнинг “Танланган асарлар”ига қирадиган 1-жилд китоби. Унинг мундарижасидан “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар” рисоласи ўрин олган. [2,63] Унда Бухорода жадиждизмининг пайдо бўлишидан бошлаб, унинг амалга оширган фаолиятларининг барчаси атрофлича ва чуқур таҳлил қилинган.

Маълумки, XX асрнинг бошларида ярим мустамлака мамлакати ҳолатида бўлган Бухоро амирлигида мураккаб ижтимоий-сиёсий шароитда жадиличлик ҳаракати вужудга келди. У худди Туркистон ва Хива жадиждчилиги каби маърифатпарварликдан сиёсий ҳаракатга қадар юксалди. Бухоро жадиличлик ҳаракатининг йирик намояндалари Файзулла Хўжаев, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Садр Зиё, Абдуқодир Муҳиддинов, Абдурауф Юсуфзода каби етук арбобларнинг номи бугунги кунда халқ ардоғида. Чунки улар Ватан, миллат озодлиги учун жон фидо қилган тарихий шахслар эканлигини тарихчиларимиз, адабиётшунос олимларимиз халққа етказиб турибдилар.

С.Айнийнинг “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар” асарида XX- аср бошидаги Бухородаги маърифий-сиёсий ва иқтисодий аҳвол чуқур таҳлил қилинади.

XX аср бошида Бухоро амирлигидаги иқтисодий аҳвол тўғрисида С.Айний қўйидагиларни ёзади: “Бухоро ҳукуматининг мадохили (даромади) расман ва бошлича

хирож ва закотдан иборатдир. Хирож зироат ерларидан олиниб, закот эса дохилий ва хорижий тижорат молларидан ва далалардан тартият қилинатурган ҳайвон суриларида олинадир. ... хирож бурунги замонларда муайян ва енгил бир миқдорда бўлса ҳам, кейинги чоқларда деҳқон ҳосилотининг ҳаммасини олатурган бир даражага етди. Закот шаръан бир йилда бир қатла муайян бир ҳисобда олинадир экан, сўнги вақтларда йилда ўн қатла ҳам олинди.”[3,194]

С.Айний Бухоронинг иқтисодий аҳволи тубдан ёмонлашиб боргани сабабларини аниқ фактлар орқали очиб беради. Унинг инқирози сабаби илдинини таҳлил қилиб, шундай ёзади: “Мамлакатнинг иккинчи даража манбаи воридоти (даромади) қозилар, раислар, миршаблар ва шуларга ўхшаш маъмурларнинг тортиқларидандир”. [3,195]

С.Айний Бухоронинг иқтисодий қиримини миршаблар, қозиларнинг порахўрлигини фош эта туриб, бирма-бир таҳлил қилар экан, чиқими тўғрисида қуйидагича маълумот беради: “Бу ҳисоб билан амирнинг умумий масорифи (чиқими) 2.200.000 сўм бўлиб, бошқа харажатлари сарой зийнатлари, кеча ишратларига ўхшаш ўзига махсус бир хил разолатлар эди. Мулки идора қилишларига, сарой хизматкорларига, қози, раис, бек ва буларнинг одамларига ҳеч бир ойлик берилмасдан, буларнинг бутун бир маишатлари ғайри маҳдуд бир суратда халқ бўйнига юклатилган эди. Аммо мамлакатнинг асл эгаси бўлиб, ҳукумат хазинасини тўлдирган ва бутун маъмурларни тўйғазган халқ учун бирон пул ҳам сарфланмас эди.” [3,195] С.Айний бу билан Бухоронинг қирими ҳам чиқими ҳам халқ учун қони зиёнлигини кўрсатади.

“Халқ маорифи, халқ соғлигини сақлаш, умумий йўлларни тузатмоқ, сувларни тақсим қилмоқ, камбағалларни тарбия этмоқ, деҳқонларга ёрдам бермоқ каби нарсаларга акча сарф қилмоқ нари турсин, шундай идораларнинг исми ҳам йўқ эди.» [3,195].

XX аср бошларидаги маърифий аҳвол тўғрисида С.Айний ўз фикрларини Абдуллахон (1557-1598) давридан бошлаб, мадрасаларда ўқитиш шаклининг бузила бошлаганлигини баён этади. Шероздан келган Мавлавий Мирзажон исмли мулланинг Бухоро мадрасасида мударрис этиб тайинлангани, унинг дарс жадвалини ўзгартириб, ўзи таълиф қилган шарҳ ва ҳикояларни жадвалга киргизиб, хадис ва тафсир дарсларига унча аҳамият бермай қўйганлигини ва натижада асрлар оша илм борасида дунёга ном таратган Бухоро мадрасалари фаолияти инқирозга юз тутганлигини ачиниб ёзади. Муаллиф қайд қилганидек, “Оқибат шарҳ ва хошиялар шунчалар кўпайдиким, ҳеч бир илм ва фаннинг масоил мақсудасига навбат келмасдан ўқувчининг 12-11 йиллик мадраса ҳаёти хошияларга сарф бўлатурғон бўлди. Ҳисоб, хандаса, тарих, табиблик ва буларга ўхшаш фанлар тамом йўқолиб кетди.” [3,186]

С.Айний бундай мураккаб шароитда 1904-1905 йиллардаги рус-япон урушининг салбий таъсири Бухорода ҳам сезилганлигини айтади. Яъни, “Бухорода аҳвол юқорида баён қилинганидек ўтаётган паллаларда рус-япон уруши бошланди. Бу уруш сабабли, зотан ора-сира келиб турган “Таржумон” газетаси Бухорода кўпроқ келиб тарқала бошлади. Ҳиндистондан “Ҳаблалматн”, Мисрдан “Чехранома” ва “Парвариш” деган форсий газеталари келиб, уруш хабарлари учун газета ўқимокчи бўлган кимсаларга бошқа фикрлар ҳам берди. Уруш натижасида Русияда 1905 йил инқилоби бошланди. Россия мусулмонлари орасида мухталиф исмлар билан турк-татар газеталари чиқа бошлади, мана шу газеталар Бухорога ҳам келди. ... 1905 йилдан 1908 йилга довур ҳоллар кўпгина ўзгарди. Ушбу икки йил муддатида турк-татар, Истанбул, Миср ва Ҳиндистон бу орада форс тилида “Саёхатномаи Иброҳимбек” Бухорода тарқалди”. [3,200] С.Айний бу китоб Эрон аҳволига доир ёзилган бўлса ҳам, ундаги муаммолардан Бухоро четда эмаслиги таъкидланиб, уни мутолаа қилиш Бухоро аҳли фикрлашини ҳам ўзгартирганини айтади. Шу вақтда Бухорода мадраса шароитини ислоҳ қилиш муаммолари етилиб келди.

Ана шундай мураккаб иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий бир шароитда Бухорода жадидчилик ғояларининг шаклланиши ва тарқалиши қонуний бир ҳол эди. Хуллас, мазкур асарларда Бухоро жадидларининг қайтарзда майдонга келиб, қандай шароитларда иш бошлаб, нимада яқун топганлиги ҳақида батафсил маълумотга эга бўламиз. С. Айний асарида биринчи янги усул (усули жадид) мактаблари фаолияти тўлақонли акс эттирилган бўлса, Ф.Хўжаев асарида жадидлар ҳаракати, уларнинг мақсад ва вазифалари, ғояси, улар фаолиятининг ижобий натижалари ҳақида муқаммал ва атрофлича маълумотга эга бўламиз.

Бухоро жадидларининг маориф борасидаги ислохотлари, уларнинг ўз сармоялари эвазига билим, тафаккур, онгни ривожлантириш ва натижада келажакда Бухоронинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий аҳволини тубдан ўзгаритириш учун қилган саъй-ҳаракатлари (ҳаттоки чет-элларда Бухоро талабаларининг ўқиб, малака ошириб келгунга қадар) таҳсинга лойиқ эканлигини ҳис қиламиз.

**Хулоса.** Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, С.Айний бу асари XX аср 20 йиллари тарихидан бой маълумот беради. Бухоро жадидлари ҳақида нисбатан атрофлича маълумот берадиган бу нодир манбани янгича тафаккур билан илмий тадқиқ этиш истиқболи тарихчилар зиммасидадир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-том. Т., “Ўзбекистон” нашриёти. 2017 й. 29-бет.

2. Айний С.1920-1921 йилларда “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар” асарини ёзиб, Бухоро нашриётига топширади. Аммо, Бухоро Давлат нашриёти уни (турли сабабларга кўра) чоп этмайди. Асар 1926 йилга келиб Москвада СССР халқлари нашриётида босиб чиқарилди. 1963 йилда С.Айнийнинг 8 жилдлик асарлар тўпламидан ушбу илмий-мемуар асар ҳам жой олган.

3. Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. Т.:1963.Б.194.

\*\*\*

**Sulaymonbekov Suhaylbek Sobirbek o'g'li,**

Milliy g'oya, ma'naviyat asoslari va huquq ta'limi yo'nalishi 3-kurs talabasi  
[bekhruz0302@gmail.com](mailto:bekhruz0302@gmail.com)

#### **TURKISTON JADIDCHILIGI OTASINING ILMIY-MA'RIFIY QARASHLARI VA UNING ZAMONAVIY HAYOTIMIZDAGI O'RNI**

**Annotatsiya:** Mazkur maqolada Mahmudxo'ja Behbudiyning ilmiy-ma'rifiy qarashlari tahlil qilingan va uning hozirgi zamonaviy hayotga qanchalik ta'sir qilayotgani o'rganib chiqilgan.

**Kalit so'zlar:** Behbudiy, jadidchilik, so'z erkinligi, teatr, dramaturgiya, “Padarkush”, taraqqiyparvarlar, blogger, Behbudiy stipendiyasi.

Bir dasti riyo, dasti jafo, dasti xiyonat  
Mumkinmi sani aylasa, ketskicha siyosat?!  
Yo'q, yo'q kelur albat, kelur albat,  
Zolimlari tard etmaga, mahv etmaga navbat!  
Ey qotila, ey fojira, ey fitnai Turon!  
Turon eli fitnang ila bo'lsunmu parishon?!  
Bir kun kelur albat, o'jizlarga navbat...[1]

Sadriddin Ayniyning Behbudiy o'limi haqida yozgan ushbu she'rini o'qir ekanmiz, ilm ahliga qilingan zulm bir kun qora bulutday tarqalishi, yorug' kunlar kelishiga qat'iy

127.	Сафаров С. С., Искандаров Мухриддин	ТАҲИЯ ВА ТАКМИЛИ ВОСИТАҲОИ АУДИОВИЗУАЛИ ДАР РАВАНДИ ТАЪЛИМ	498
128.	Саидов У.	АБДУЛЛОҶОН ИСОҚОВ – КАШШОФИ САРАЗМ	500
129.	Сайфиддинов Аброрхон Фахриддинович	МАСЪАЛАҲОИ ҶОЙГИРКУНИИ ИСТЕҲСОЛОТ ВА РУШДИ КИШОВАРЗӢ ДАР ВИЛОЯТИ СУҒД	502
130.	Сайфиллаева Д.К.	ФИЛОСОФСКОЕ МИРОВОЗЗРЕНИЕ АБУ ХАМИДА ГАЗАЛИ	504
131.	Сайхуна Ш., Давлатов Ш., Фозилова Т.	ТАҒЙИРӢБИИ ТАСАВВУРОТҶО ОИД БА ИСБОТИ МАТЕМАТИКӢ	507
132.	Сайхуна Шавкатзода, Ашӯркулов Фирдавс	ҲАЛЛИ MASЪАЛАИ ДРИХЛЕ БАРОИ МУОДИЛАИ ЛАПЛАС ДАР СОҲАИ РОСТКУНҶА	510
133.	Сафарова Севара Бурхоновна	ИГРА КАК СРЕДСТВО ИНТЕРАКТИВНОГО ОБУЧЕНИЯ	515
134.	Собиров У.Б.	САДРИДДИН АЙНИЙ ВА УНИНГ ЖАДИЧИЛИК ҲАРАКАТИДА “БУХОРО ИНҚИЛОБИ ТАРИХИ УЧУН МАТЕРИАЛЛАР” АСАРИНИНГ ӮРНИ	517
135.	Sulaymonbekov Suhaylbek Sobirbek o'g'li	TURKISTON JADIDCHILIGI OTASINING ILMIY-MA'RIFIY QARASHLARI VA UNING ZAMONAVIY HAYOTIMIZDAGI O'RNI	520
136.	Тангрикулов Жамшид Эркинович	ҚАЙТА ҚУРИШ СИЁСАТИ: САБАБЛАР ВА НАТИЖАЛАР	524
137.	Тангрикулов Жамшид Эркинович	ХІХ АСРНИНГ II ЯРМИ – 1991 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАР НАШРИ ТЎҒРИСИДА	527
138.	Тахирова Маъсуда Абдужаббор кизи	ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫЕ ЦЕЛИ КАК ФАКТОР УСПЕШНОСТИ ПРОЦЕССОВ ОБУЧЕНИЯ И ВОСПИТАНИЯ	531
139.	Тиллаходжаева Хуршида Джумаваевна	ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИ ФУҚАРОЛИК ҲОЛАТИ ДИНАМИКАСИНИ ӮРГАНИШ	535
140.	To'rayeva Guli Bahriddinovna	RUS SAYYONHLARI VA ELCHILARI ESDALIKLARINING TARIXIY - MANBAVIY QIYMATI(XVIII- XIXASRLARDA	539
141.	Тўраева Гули Бахриддиновна	РУС ШАРҚШУНОСЛИГИ ТАРИХИ (XVIII- XIX асрларда)	543
142.	Тургунов Абдурахмон Гулумжон угли	ЗАПАД И ВОСТОК: РАСЦВЕТ ЦИВИЛИЗАЦИЙ НА ВЕЛИКОМ ШЕЛКОВОМ ПУТИ	547
143.	Turdiyev Bexruz Sobirovich	BEHBUDI'S VIEWS ON THE SPIRITUAL RENEWAL OF SOCIETY	550